## ХОРИЖДА ИЛМ ОЛАДИЛАР

**ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси банк молия академиясида хорижда таълим олишга чоғланган иқтидорли ёшларнинг дастлабки босқич синовлари бўлиб ўтди. Ушбу синовда 1500 нафар ўғил-қиздан 350 таси муваффақиятли қатнашди. Улар АҚШ, Германия, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда ўқиш учун йўл оладилар.**

Ҳайрулла АБДУЛЛАЕВ.

**воқеалар, хабарлар**

## АЛ-БУХОРИЙ ХОТИРАСИ

БУХОРО. Ислом оламининг машҳур ҳадисшуноси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик авжида. Ул зот номи билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Чашмаи Аюб, Мағоки Аттарон ёдгорликлари, Вобкент минораси, Яссавий, Самарқанд, Жўйбор, Отабой эшон, Хожа Нуробод сингари 14 та кўчани текислаш, Сомонийлар, Мирзо Улуғбек хиёбонларини кўкаламзорлаштириш бошлаб юборилди.

**Даврон БАҲРОНОВ.**



Самарқанддаги "Болалар жарроҳлиги" ўқув-илмий маркази бош шифокори, Нью-Йорк Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, профессор Азамат Шамсиев.

## КАРМАНАДА ДАМХЎЖА СУВИ

**"Оила йили" Кармана аҳолиси учун бир олам қувонч келтирди. Шаҳарда ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. 2,5 километр масофага қувурлар ёткизилиши,19 миллион сўмлик иш бажарилиши оқибатида Дамхўжа — Навоий — Бухоро обиҳаёт трассасидан Кармана томон чучук сув оқа бошлади. Тадбирга бағишланган тантаналарда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров иштирок этди.**

Музаффар ШАРОПОВ.

**янгиликлар, фактлар**

## ТАЪТИЛДАН КЕЙИН ЯНГИ МАКТАБДА

НАМАНГАН. Ёш авлод баркамоллиги халқ таълимининг барқарорлиги билан боғлиқдир. Вилоятда бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг моддий техника-базасини мустаҳкамлаш барча саъй-ҳаракатлар самарасидир.Чуст туманида иккита мактаб учун янги бино қуриб берилди. Шўрбулоқ қишлоғида 400, Олмосда 200 ўқувчига мўлжалланган мактаблар очилди. Поп тумани марказида эса бир йўла 744 нафар ўқувчи ўқийдиган бўлди.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ.**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 15 январь, пайшанба • № 6 (22.243).**

*Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А. Э. ШАЙХОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯПОНИЯДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Эркинович Шайхов Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А. Э. ШАЙХОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Эркинович Шайхов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А. ЖАЛИЛОВГА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Абдулаҳат Туропович Жалиловга иккинчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### Н. ЁҚУБОВГА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Носиржон Норович Ёқубовга иккинчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 январь.

## ВАТАН ХАРИТАСИ

***13 январь куни юртбошимиз «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунгни қабул қилди.***

***Суҳбат чоғида Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг ташқи ва ички савдосини янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликнинг 1998 йил учун мўлжалланган дастури ва бошқа масалалар муҳокама этилди.***

***

***Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ҳамда Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва прокуратура ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.***

***

***Президентимизнинг ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, мустақил нуқтаи назари аниқ ва теран илмий асос билан акс эттирилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини Москванинг таниқли «Дрофа» нашриёти кўп минг нусхада рус тилида чоп этди.***

***

***«Алпомиш» достони аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини, ушбу достон яратилганлигининг 1000 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини инобатга олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.***

***

***Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Пойтахтдаги Офицерлар уйида ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ўқиб эшиттирди.***

## УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқимизнинг энг қадимий ва саховатли байрами — Наврўз яқинлашиб келмоқда. Миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашни ўзида тараннум этувчи бу умумхалқ байрами мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланади.

Вазирлар Маҳкамасида ана шу умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрами асосий томошасининг сценарий режаси ҳамда саҳнани безаш ишларига тайёргарликнинг бориши ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва томоша бош режиссёри Р. Ҳамидовнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг еттинчи йили баҳорида нишонланадиган бу галги байрам алоҳида кўтаринкилик руҳида ўтади. Байрам томошалари мучал билан боғлиқ мусиқий-театрлаштирилган саҳна билан бошланади. Дастурда бу йил юбилейлари нишонланадиган Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган лавҳалар ўз ифодасини топади.

Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов Наврўзни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЯНГИ ҲАВО КЎПРИГИ

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган энг замонавий тайёра — «RJ-85» 13 куни кеча республикамизни яна бир мамлакат — Озарбайжон Республикаси билан боғлади. Инглиз-француз ишлаб чиқаришига мансуб замонавий ва қулай тайёра Тошкент — Боку авиайўналишини очди.**

**Маълумки, «RJ-85» ғарб сайёҳлари ўртасида маълум ва машҳур. Канада, Швеция, Болтиқбўйи, Туркия ва бошқа мамлакатларда улардан кенг фойдаланилмоқда. У ўтган йили миллий авиакомпаниямиз тайёралари сафидан ўрин олди. Ўртача олисликка қатновчи ушбу тайёра соатига 770 километр тезликда ва 2500 километр масофага учади. Эндиликда у мамлакатимиз ички авиайўналишларидагина эмас, балки Алмати, Ашгабад йўналишларида ҳам парвоз этмоқда. Мана энди у Бокуга ҳам йўл очиб, қардош халқларни яқинлаштириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

**Алишер РЎЗИЕВ.**
**Тошкент — Боку — Тошкент.**




ЎЗБЕКИСТОН, ҚАНОТЛАРИНГ ҚАЙРИЛМАС!

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

***Саддам Ҳусайн маъмурияти расмий равишда Россия Федерацияси, Франция ва Хитойга мурожаат қилиб, Ироқни қуролсизлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус комиссияси фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлади. Бу ҳақда Бағдоддаги дипломатик манбалардан хабар олинди. Ушбу хабарга кўра, Россия, Франция ва Хитой АҚШга ўхшаб БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Шу боис Ироқ раҳбарияти Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг фаолиятида Вашингтоннинг бир ёқлама ҳаракатларини тўхтатишни илтимос қилди. Куни кеча Ироқ ва БМТ махсус комиссияси ўртасида яна бир бор келишмовчилик юз берди. БМТ назорат гуруҳи раҳбари Скотт Риттернинг Ироққа қарши айғоқчилик қилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.***

***

***Ватикан қашшоқ аграр мамлакатларнинг ҳукуматларини ер ислоҳотини адолатли ўтказишга ва маҳаллий аҳолига улардан тортиб олинган ерларни қайтариб беришга чақирди.***

***

***Жанубий Корея молиявий инқирозни бартараф этиш учун Халқаро валюта жамғармасининг барча талабларини бажариши керак, деб ҳисоблайди Мишель Камдессю.***

***

***Яқин кунларда бўлиб ўтадиган Украина-Румыния музокараларида умумий чегаралар масаласи муҳокама қилинади.***

*Қишлоқ имкониятлари*

# ОМАДМИ Ё МИРИШКОРЛИК?

Қўриқни ўзлаштиришда йўл қўйилган хатолар, кўзбўямачиликлар ҳақида кўп бора бонг уришган. Аммо уларни бугун бартараф этиш, унумдор ерлар хазинасини очиш, мўл ғалла, пахта етиштириш қандай бораётганини аниқ биламизми? Бир-иккита рақам қайд этилган хабар ёки телелавҳани ҳисобга олмаса... Бироқ чўлда одамлар меҳнат қилишаяпти. Дам қувониб, дам машаққатларга басма-бас...

Бу чўл тумани ташкил топганига йигирма йил тўлди. Кейинги йилларда ерлар кам ҳосил бера бошлади. Туман маркази — Миришкор қишлоғини қадимдан бежиз шундай аташмаган. Ерни, деҳқончилик илмини миридан-сиригача эгаллаган кишилар истиқомат қилиб келишган бу жойларда. Кейинчалик чўлқуварлар кўпайиб, аҳоли 44 минг нафарга етди.

Ҳамроҳим туман ҳокими Ёрқил Турсунов далалар сари бошлайди. Касби иқтисодчи эмасми, рақамларнинг асл мағзини чақишга ҳаракат қилади. У қолоқ, режалари бажарилмаётган Усмон Юсупов тумани раҳбарлигини зиммасига олганига ҳам икки йилдан ошаяпти. Бошлиқнинг омадими ёки ишлар олға силжишими, хуллас — икки йилдан буён туман пешқадам. Ишлар билан танишишни пахта тозалаш корхонасидан бошладик.

— Уч йилдан буён сифатли хом ашё қабул қилаяпмиз, — дейди Жейнов пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбари, техника фанлари номзоди Неъмат Раҳмонов. — Айниқса, ўтган йил пахтанинг 85—86 фоизини юқори навлар ташкил этди. Бурноғи йилгидан 10—15 фоиз ошиқча сифатли хом ашё демакдир. Тола чиқиши ҳам яхши. Толамизни Америка, Швейцария каби хорижий давлатларга жўнатаяпмиз. Бунинг ҳаммаси пахтакорлар билан ҳамкорлигимиздан. Ўтган йил бошидаёқ 210 миллион сўм маблағни аванс сифатида тарқатдик. Териб-топширилган пахтанинг ҳақи ҳам ўз вақтида бериб турилди.

Мен туман иқтисодиётида асосий ўрин тутган пахта ва унинг ҳосилдорлиги билан қизиқаман. 1997 йил 13 минг гектар майдонда пахта етиштирилди. Давлатга 32 минг тонна ўрнига 36 минг тоннадан ошиқ пахта сотилди. «Жейнов» ва «Миришкор» пайчилик жамиятларида 7,5—8 минг тоннага етказиб пахта етиштиришга эришилди. Ҳосилдорлик бу хўжаликларда 33—34 центнердан кам бўлмади.

— Ғаллачилик ҳам яхши ривожланаяпти, — дейди ҳоким Ёрқил Турсунов. — 1996-97 йилларда ҳам режа ошириб удаланди. Ўтган йил 9200 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан ўртача 25 центнердан дон олдик. Ҳосилдорликни 35—38 центнерга етказган хўжаликларимиз бор. Давлатга 15 минг тонна дон сотдик. Тўртта «Кейс» комбайни ишни дўндирди. Ҳосилни қисқа муддатда ўриб-янчиб олдик.

— Ёрқил Бўронович, туманда катта ўзгаришлар борлигини кўриб турибмиз, — дейман мулоҳазамни билдириб. — Бир-иккита масалага ойдинлик киритсангиз. Ҳосилдорликни ошириш, режаларни бажаришга қай йўл билан эришилди? Ахир, туманнинг қолоқликдан боши чиқмаётган эди-ку?!

— Юртбошимиз биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқларида шундай дедилар: «Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги тараққий топган, лекин табиий шароити тахминан бир хил бўлган бошқа давлатлар билан қиёсласак, шундай қатъий хулосага келиш мумкин: Ўзбекистонда аграр тармоқ ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ниҳоятда каттадир...»

Яна таъкидладиларки: «...қишлоқ хўжалигида тартиб ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан экинларни парваришлашнинг энг оддий қоида ва технология меъёрларига амал қилиш вақти етди».

Ҳақ гап. Айнан энг оддий технологияларга ҳам амал қилмаслик, ерга эътиборсизлик ҳосилдорликни тушиб кетишига сабаб бўлди, деб баралла айтишимиз мумкин. Мана мисол учун, Қарши даштидаги ерларни узоқ йиллар пала-партиш ўзлаштириш, мелиорацияга эътиборсизлик тупроқ унумдорлигининг пасайишига, шўрланишнинг ўта кучайишига олиб келди. Бу кўпчилик чўл туманларидаги энг катта муаммо. Биз ерни асрашга, уни эгасига топширишга ҳаракат қилаяпмиз. Барча хўжаликларда ижара пудрати ташкил этилган. Ички ариқлар, йирик коллекторларни тинмай тозалаб бораяпмиз. Ҳозир ҳам 10 та экскаватор шу юмуш билан банд. Бундан ташқари минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланаяпмиз. Ғалла ва пахта навларини танлаб экаяпмиз. Энди теримга келсак, дарҳақиқат, ҳашарчилар кўп жалб этилмоқда. Чунки мавжуд қўл кучи билан бор ҳосилни тезда йиғиб ололмаймиз. Ўтган йил ҳам Китоб туманидан, Шаҳрисабз тиббиёт билим юрти ва бошқа ташкилотлардан келган ҳашарчилар оғиримизни енгил қилишди. Теримга ҳам анча ҳақ тўлаганимиз тўғри. Ўтган йил рентабеллик даражаси 25 фоиздан, келаётган соф фойда 220 миллион сўмдан ошди. Агар қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлар механизациялашса, бу кўрсаткични янада кўтарилиши турган гап. Чунки ғаллачилик, ҳам, пахтачилик ҳам бизда фойдали тармоқдир.

— Аммо саноат тараққиёти, кичик корхоналар барпо этиш суст экан. Ё буни инкор этасизми?

— Инкор этиш ёки тасдиқлаш ҳеч нарсани ҳал этмайди, — дейди Ёрқил Турсунов.

— Ҳақиқатдан қиладиган ишлар кўп. Биз қишлоқларни 74 фоиз газлаштирдик. «Жейнов» хўжалигида миллий ҳунармандчилик, маиший хизмат тармоғи жадал ривожланмоқда. Буни янада тараққий эттириш режалари бор. Ғишт ва асфальт тайёрловчи корхоналар қурмоқчимиз. Ғафур Ғулом номидаги хўжалигимизда терини тайёр маҳсулотга айлантирадиган корхона қуриш мўлжалимиз бор. Ҳаммаси вақти-соати билан амалга ошади...

Уч йил ичида қолоқликдан қутилиб, катта ўзгаришлар сари қадам ташлаётган бу чўл туманидан катта таассурот билан қайтдим. Бу жойда қуруқ мақтовга ўрин йўқ. Фидойи меҳнат ва олға интилиш бор. Келажакка ишонч юракларни жўштирмоқда. Жўшқинлик бор жойда эса иштиёқ ҳақиқатга айланади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

*Диққат, янги рукн:* *«Маънавият сандиғи»*

## ТАҲРИРИЯТНИНГ МАХСУС СОВҒАСИ

*Азиз муштарий! Сиз балки мамлакатимизнинг олис қишлоқларидан бирида, балки яқин шаҳарда яшарсиз. Шунга қарамай, газетамиз саҳифаларида иштирок этишингиз мумкин. «Маънавият сандиғи» номли янги рукн Сиз учун ана шундай имконият яратади. Шарти битта: теша тегмаган, халқ орасида айтилиб-эшитилиб юрган, лекин китоб, газета, журналларда босилмаган мақол, матал, ривоят, ҳикоят, топишмоқ, айтим ёки бошқа халқ оғзаки ижоди намунасини бизга ёзиб юборинг.*

*Ушбу рукнни ташкил этишдан мақсад — жуда катта маънавий хазина бўлган халқ оғзаки ижодини янада кенг тарғиб этиш, халқимиз орасидаги топқирлару чечанларни аниқлаш, уларнинг ижоди ва номини мамлакат миқёсига ёйишдир. Энг қизиқ мақол, матал, айтим, ривоят, ҳикоят, топишмоқ (ва топишмоқларга берилган тўғри жавоб)лар йил якунида таҳририятнинг махсус совғаси билан мукофотланади. Хатда исми-шарифингиз ва яшаш манзилингизни тўлиқ кўрсатинг.*

**Конвертга «Маънавият сандиғи» рукнига» деб ёзишни унутманг.**

## БИР ЯРИМ СОАТ ЯШИЛ ЧИРОҚНИ ПОЙЛАБ

**Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Жанубий Корея пойтахти — Сеул шаҳрида 2.249.343 дона автомобиль рўйхатга олинган ва бу улкан «автопарк» ҳар куни 254 та янги автомашина ҳисобига бойимоқда.**

**Агар бунга мамлакатнинг бошқа вилоятларидан пойтахтга юк олиб келадиган ўн минглаб автомобиллар қўшилса, шаҳар кўчалари чорраҳаларида автомобиллар карвони бир соатдан ошиқ яшил чироқни пойлаб туришларига ажабланмаса ҳам бўлади.**

Ўзбекистон ва дунё

# ИФТИХОР

*«Умид» жамғармасининг йўлланмасини олган 160 нафар истеъдодли йигит-қизларимиз айни пайтда бакалавр ва магистр даражаларини олиш учун АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япониянинг машҳур олий ўқув юртларида таҳсил кўришмоқда.*

*Яқинда Британия кенгашининг штабхонаси ташаббуси билан Лондондаги машҳур «Имадженейшен» қабуллар залида ўзбекистонлик талабалар шарафига тантанали кеча ўтказилди. Кенгаш раҳбариятининг сўзларига қараганда, ўзбекистонлик йигит-қизлар ўқиш жараёнида меҳнатсеварликлари, тиришқоқликлари ва билим доираларининг кенглиги билан ажралиб туради. Улар бу гапларни фахр билан айтишди. Кенгаш аъзолари ана шундай билимдон ёшларни тарбиялаётган Ўзбекистон яқин келажакда тараққий этган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллайди, деб ишонч билдиришди.*





***СУРАТЛАРДА:***
***1. Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Тешабоев ва Банк-молия академияси ректори М. Очилов талабалар даврасида.***
***2. «Имадженейшн» қабуллар залининг ташқи кўриниши.***

**Олег ПАНОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

## «АККОРД» ХИТОЙДА ЧИҚАДИ

**Маълумки, Хитойда «Аккорд» русумли япон автомобилини ишлаб чиқариш бўйича аллақачон амалий ишлар бошлаб юборилган. Хитой билан тузилган шартномага мувофиқ, Япониянинг «Хонда» компанияси Хитойда ўз автомобиллари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашга қарор қилди. Хитойда «Аккорд» русумли илк машина 1999 йили конвейердан чиқиши керак. Режага кўра, бу автомобилдан йилига 30 минг дона ишлаб чиқарилади.**

## ДИАНА МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛАДИ

**Буюк Британия молия вазири Гордон Брау Уэлс маликаси Диананинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг номи билан аталувчи хотира боғи ва махсус мукофот таъсис этиш режалаштирилаётганини маълум қилди. Г. Брау ўзининг вазирликдаги фаолияти билан бир қаторда марҳума хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги таклифларни ўрганувчи махсус қўмитага раҳбарлик ҳам қилмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳозирга қадар 10 мингга яқин фуқародан турли таклифлар билдирилган мактублар олинган. Чамаси кўпчилик британияликлар Диана номли боғ барпо қилиш ва махсус мукофот таъсис этиш ғоясини илгари сурган.**

## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**АҚШ Президенти Билл Клинтон телефон орқали Япония Бош вазири Рютаро Хасимото билан суҳбатлашди. Бўлиб ўтган ўзаро суҳбат чоғида икки мамлакат раҳбарлари асосий эътиборни Шарқий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган молиявий инқирозга қаратди ҳамда уни бартараф қилиш юзасидан ўзаро фикр алмашди.**

Йилни яхши бошлаганлар

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ ХАРИДОРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлигининг еттинчи йили давом этмоқда. Ана шу қисқа даврда иқтисодиётимиз бир маромда ривожланиш сари боряпти. Янги-янги қўшма корхоналар, цехлар ишга туширияпти. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган корхоналар иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф этишга интилишяпти.

Ўзбекистон боғдорчилик машинасозлиги заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам ана шундай ривожланиш йўлидан бораётган корхоналардан биридир. Энг муҳими, бу ерда иқтисодий ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилаётир. Айниқса, цех ва участкаларни таъмирлашга эътибор кучайтирилди. Янги асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ўрнатилди. Маҳсулот сифатини ошириш эса биринчи галдаги вазифа бўлаётир. Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида ўз маҳсулотини сифатли қилиб чиқаришга эришмаган корхона синади. Буни яхши билган ишчи-хизматчилар ҳар бир детални алоҳида меҳр билан тайёрлашга эришмоқдалар.

Ушбу корхона 1968 йили қурилиб, ишга туширилган. Унинг асосий маҳсулоти — боғдорчилик учун машина-механизмлар. Завод дастлаб ташкил этилган йилларда унинг маҳсулотлари бутун собиқ Иттифоқ бўйлаб тарқаларди. Украина, Белоруссия, Қрим, Грузия, Арманистон, Озарбойжон боғбонлари ушбу корхона маҳсулотларидан баҳраманд бўлишарди. Техникани сотиш учун бозор ҳам кенг эди. Ўз навбатида заводга Россия ва бошқа республикалардан металл ва бошқа хом ашё келтириларди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, иқтисодий алоқалар бироз тўхтади. Хом ашё етишмай қолди. Лекин шунга қарамай корхона сингани йўқ. Айтайлик, мамлакатимиздаги кўпгина хўжаликлар иқтисодий қийинчиликлар туфайли боғдорчилик техникасини сотиб олмай қўйди. Тайёр маҳсулотлар омборида сотилмаган техника воситалари тахланиб қолди. Корхона ана шундай оғир шароитда ҳам ўз йўналишини топди. Яъни, эҳтиёт қисмлар тайёрлана бошлади. Бу ҳам ўз самарасини берди. Энг муҳими малакали ишчиларнинг кетиб қолишига йўл қўйилмади. Чунки ойлик маошлар ўз вақтида бериб бориладн-да.

Яна бир гап. Халқимизда «Тоғ Сулаймоннинг олдига келмаса, Сулаймон тоққа боради» деган нақл бор. Заводдагилар ўша пайтда қишлоқ хўжалик корхоналарига бориб, ўз маҳсулотларининг қудратини кўрсатишга, одамларни қизиқтиришга ҳаракат қилишди. Ҳатто транспорт харажатларини ўзлари кўтариб, техникани хўжаликларга элтиб беришди. Натижада оғир даврлар ортда қолди.

1996 йилдан завод тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхона ўша йилдан бошлаб фойда олиб ишлайдиган даражага етди. 1996 йил 619 минг сўм соф фойда билан якунланди.

Ўтган йил мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг инфраструктурасини мустаҳкамлаш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Жумладан жамоа ва давлат хўжаликларига маблағлар ажратилди. Боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик соҳасида ҳам бирмунча силжишларга эришилди. Ўз-ўзидан маълумки, республикамизда техникага бўлган талаб ҳам кучайди. Эндиликда корхона маҳсулотлари туриб қолмаяпти. Харидорлар ҳамиша келиб турибди.

— Эндиликда биз ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришимиз, маҳсулот сифатини оширишимиз зарур, — дейди биз билан суҳбатда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Холхўжа Икромов. — Шу боис турли плуглар тайёрлаш йўлга қўйилди. Американинг «Кейс» тракторлари учун лемех тайёрлашни бошлаб юбормоқчимиз. Яқин келажакда совун ишлаб чиқариш, этикдўзликни йўлга қўйиш, мой алмаштириш ва телерадио аппаратураларини таъмирлаш устахоналарини ишга тушириш ниятимиз бор.

Корхонанинг тайёрлов, металларга қирқиб ишлов бериш, пайвандлаш, йиғув, бўёқлаш участкаларида бўлганимизда қизғин меҳнат жараёнини кузатдик. Одамлар манфаатдорликни чуқур ҳис қилиб ишлашаётир. Дарвоқе, бу ердаги 115 нафар ишчи алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Ўртача маош 5,5-6 минг сўмни ташкил этади. Одамларга ҳар томонлама шароитлар яратиб берилган.

Шу боис ҳам корхонадаги ишлар аниқ маромда давом этаётир. Хайитбой Жонбоев, Қодир Утебоев, Қодир Маматов, Зокир Ўрозбоқов, Фарҳод Қаюмов, Собит Зиёев, Александр Климкин сингари илғорлар корхонанинг чин маънодаги фахридир.

Хуллас, ўтган йилни яхши якунлаган ҳиссадорлик жамияти жамоасининг бугунги кундаги кайфияти аъло. Уларнинг келгусидаги режалари янада улкан. Жамият аъзолари 1998 йилда республикамиз қишлоқ хўжалигига кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб бериб, ҳамдўстлик мамлакатларидаги шериклар билан ҳам ҳамкорликни кучайтиришмоқчи. Зеро, қўшни давлатлар ҳам корхонада тайёрланган техника воситаларини кўплаб сотиб олишса не ажаб.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

Жаҳон киноси юлдузлари

# ТОЛМАС ТОМ

Том Круз жаҳон кино оламидаги юлдузлардан бири. Машҳурлар ҳақида ёзиш бир қарашда унча қийин эмасдек туюлади. Тўғридир. Лекин минг яхши актёр бўлса-да, сизнинг у ҳақдаги тасаввурингиз бироз бошқача бўлишиям мумкин-ку? Яна бир нозик томони машҳурлар ҳамиша шов-шувлар, мухлису ашаддий ишқибозларнинг қайсидир маънода «таъқиби» остида яшашади. Демакки, улар ҳақида фикр юритишда ўта эҳтиёткор, далилли фикрларга эга бўлиш ҳам керак.

Том истеъдодли актёр. Актёр бўлиш билан бирга кинотошкилотчилигини ҳам таъкидлашни истардим. Негаки, кўпчилик юлдузлар ташкилий ишларга қимматли вақтларини сарфлайверишни хушламайди. Томни продюссерлар «таъқиб» этиб юришади, ҳар бир яратган образини «тафтиш» қилиб, сўнграгина картинасига таклиф этишади. Бунинг боиси бордир. Чунки одатда «юлдуз»ларга продюссерлар кўпроқ мақтал бўлишади-да. Юлдузлик шоҳсупаси шунақа: қайсидир режиссёр минг машаққат билан билан актёрни «юлдуз» қилади. Кейин эса актёр машҳурлик пиллапоясидан юқорилайверади, кўтарилаверади, оқибатда уни кашф этган режиссёрнинг ўзи ҳам энди унинг кетидан «чопиши»га тўғри келади. Кўпчилик киноюлдузларнинг продюссер, режиссёрлар билан келишмовчилиги шундан бошланади. Тўғри-да, ҳар қандай машҳурнинг ўзига яраша «мен»и ёки манманлиги ҳам бўлади-да. Лекин Томда айнан шу ҳислатлар йўқ, чамаси. Фақат продюссерларни бироз қийнайдиган томони у ролни қабул қилгани билан аввал обдон «танишиб» чиқади, тўғри келган образ устида бош қотиришни истамайди. Ўз «дидн»га мос эмасини дарров рад этади. Бир қолипдаги роллар ҳам унинг дидига ўтиравермайди. Яратаётган ролларига қараб шундай хулосага келгандим. Албатта, кўриниши жозибадор, қомати тик, қўнғироқ сочли бу йигитнинг фильмдаги иштироки ҳам ўзига хос мухлис—аудитория яратишини машҳур режиссёрлар ҳам тан олишади. Аҳамият берган бўлсангиз, бугунги томошабин унинг номини ҳатто Жик Никонсон, Брит Питдек довруғ қозонган актёрлар билан тенглаштириб қўйишяпти. Ҳатто Томни Жеймс Динедек суперюлдузга ҳам қиёслаган кезлари бўляпти.

Круз кўпгина яхши образлар яратишга улгурди. Улгурди дейишимнинг боиси, у ҳали ёш — эндигина 35 ёшга кирди. Ҳозирги пайтда таниқли актёрлар ҳақида гап кетгудек бўлса, негадир топадиган даромадини, албатта қайд қилиб қўйишади. Томга роль олдидан 15-20 минг доллар гонарар тўлашади. «Голливуднинг миллионерлари» сафидаям турмайди чоғи. Барибир энг маҳоратли киносанъаткор.

Кузатиб бораман. Қайси юлдуз «осмонга» осонгина чиққан. Барининг ижод йўли — машаққат. Келинг, Томнинг ҳам кино оламига кириб келиш тарихи ҳақида фикр юритайлик. У 1962 йилнинг 3 июлида туғилган. Ота-онаси у болалигидаёқ муросага келишмай ажрашиб кетишган. Оила бузилиши ёш Томнинг руҳий дунёсига таъсир қилди. Ёшлигиданоқ Том ҳиссиётли, бироз жиддий «бол»! бўлиб қолди. Ўсмирлигидаям ёшига нисбатан серфикрли, санъат оламига «шўнғиган» эди. Мактаб саҳнасидаёқ «машҳур» бўлиб қолганди. 17 ёшга кирган Том чўнтагидаги арзимас доллар билан Нью-Йоркка келади. Катта шаҳарнинг беаёв қонунияти ҳам бор. Барибир Круз ўз мақсади йўлида тинмай курашди. 20 ёшида дастлабки ролини «Тубан»да яратди. Балки бу омаддир. Илк ролидаёқ режиссёрлар диққатини тортди. Кетма-кет «Пул ранги», «Ёмғир одами», «Олис ўлка» каби қатор фильмларда муваффақиятли суратга тушди. Энди «ёш юлдуз» 2 миллион доллар гонорар ола бошлади. Шу чоққача ҳам уни юлдуз дейишарди. Назаримда, Томни «Имкондан ташқари вазифа» фильми жуда «осмонга» чиқарган десам янглишмайман. Шу фильм учун 40 миллион доллар сарфлашганди. Ундан келган даромад-чи? Анча ошиб кетди.

Жаҳон кино саноатининг қонунияти шу. Фильмга буюртма ошяптими, демак актёрнинг ҳам «нархи» ошаверади. Булар ўз йўлигадир. Лекин бизнинг томошабинларни Том Крузнинг «чўнтаги» эмас, шахсий ҳаёти кўпроқ қизиқтирса керак, деб ўйлаймиз. Том оилали, икки нафар фарзанди бор. Австралиялик соҳибжамол актриса Никол Кильманга уйланган. Эр-хотин уйларида гўдак йиғиси эшитишни кўп орзу қилишган. Афсус... Бир қиз, бир ўғил асраб олишган.

Истеъдод кўпчилик актёрларда бўлади. Роль эса ўша истеъдодни юзага чиқаришга бериладиган имкон деб биламан. Ҳамма актёр эса бунинг уддасидан чиқавермайди. Томда беқиёс истеъдод бор. Имконга келсак, унда «кинонинг суперюлдузи» даражасига етгудек заҳираси бордек. Ҳозирча у ҳали изланишда. Ўзи ёш, навқирон, барно. Баъзи ролларида ҳали «асраб» турган заҳиралари кўплигини сезиб қоламан. Тўғри, ҳар бир ижодкорнинг «тиш ковагида» асраган мавзуи ёки ташбеҳлари бор-да. Том Крузнинг ҳали яратилмаган шундай қанча роллари бордир.

Том Круз яратган образлар бугунги томошабин дидига мос тушяпти. Зотан, киномухлислар ўта нозик таъбдирлар. Голливуд актёрлари эса буни ҳеч назардан фаромуш этишмайди. Толмас Том ҳам шундай.

**Саида БОНУ.**

## «ОСТИН КЭМБРИДЖ» СОТИЛДИ

**Англиянинг собиқ бош вазири —Уинстон Черчилга тегишли бўлган «Остин кэмбриджж» русумли бежирим автомобиль кимошди савдоси болғасининг сўнгги зарби остида 66,4 минг фунт стерлингга (12 минг АҚШ доллари) сотилди. Бу машинани У. Черчилл 1938 йили сотиб олган эди. Машинани Швейцариядаги тарихий осори-атиқалар жамғармаси (кимошди савдосида унинг номи ошкор қилинмаган) харид қилди.**

## АФИНАДА — АВТОКЎРГАЗМА

**Тез орада Греция пойтахти — Афинада иккинчи халқаро автомобиль кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик компания ва фирмалар ўзларининг энг сўнгги русумдаги маҳсулотларини намойиш қилади. 1998 йил Европа, қолаверса, жаҳон бозорида пайдо бўлажак янги машиналар орасида «Форд» фирмасининг «Пума», «Даймлер бенц» компаниясининг «А-класс», «Шкода»нинг «Октавия» русумидаги автомобиллари бор. Кўргазма ўтказиладиган автосалоннинг умумий майдони 35 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, у халқаро андозалар талабига тўла жавоб беради. Шунинг учун ҳам Афинадаги ушбу иншоот Женева, Франкфурт, Париж ва Туриндаги улкан автосалонлар қаторидан жой олган.**



# ТОЗАЛИКДАН

на ишчилари ҳам майдонни тозалаш, ҳам саранжом-саришталикни таъминлаш учун асқотадиган юмушга қўл урмоқчи бўлишса, бозор «хўжайинлари» уларни ичкарига киритмас ёки ҳақ талаб қилар эди. Ҳолбуки, улар ишчиларни рағбатлантириш лозим. Нима бўлганда ҳам хусусий корхона оёққа туриб олган. Ангрен, Попдаги қайта ишлаш цехлари билан яқин алоқа ўрнатиб, тўла қувват билан ишлаяпти.

«Шаропов» корхонасининг фаолияти кўрсатиб турибдики, иккиламчи хом ашёларни тўплашга рағбат билдирган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш яхши самаралар бериши мумкин экан.

### ТАКЛИФ

Шак-шубҳасиз хўжалик ва маиший чиқиндиларни саранжомлаш муаммоси ҳамма мамлакатда мавжуд ва бу борада илғор тажрибалар, ечимлар ҳам яратилган. Баъзи жойларда кўп қаватли уйлардаги рўзғор чиқиндилари майдаланиб, водопроводдан оқизиб юборилар экан. Ёки махсус елим қопчаларга жойланиб, қувурларга ташланар экан. Нима бўлганда ҳам ортиқча

5

нарсаларни бартараф этишда аҳолининг тушунчаси, муносабати ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Масалага хўжакўрсинга эмас, умумманфаатидан келиб чиқиб, шаҳар ёки қишлоқни умумий хонадон сифатида қараб муносабатда бўлинсагина, тозалик, басаришталикка эришилади.

Дейлик, хизмат шундай ташкил қилинсаки, уй эгаси чиқиндиларни турларга ажратиб (қоғоз-картон алоҳида, шиша, темир-терсак алоҳида, озиқ-овқат қолдиқлари алоҳида қопчаларда) топширишса-да, шунга яраша ҳақини ҳам олиб кетаверса. Ёки шаҳарларда қанчалаб шох-шаббалар исроф бўлиб кетади. Улардан қоғоз хом ашёси сифатида фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳолбуки, бу борада мақтана олмаймиз. Оддийгина турар жойларни тозалаш учун хизмат идораларига ҳақ тўлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йилнинг тўққиз ойида Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги идораларига кўрсатилган хизматлар учун аҳоли томонидан 58 миллион сўмдан ортиқ пул тўланмаган. Айниқса, Тошкент шаҳрида 90 млн. сўмга яқин миқдордан 23 млн. сўм келиб тушмаган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Бухоро сингари вилоятларда ҳам қарздорлик миқдори 3-10 млн. сўм даражасида. Табиийки, бу аҳволда самара ҳақида баралла гапириш қийин. Ана шундай бир шароитда аҳолининг фаоллигини кучайтириш, молия идоралари эътиборини шу томонга яна бир марта жалб этиш фойдадан холи бўлмасди.

Чиқиндилар теварак-атроф муҳитига, экологияга жиддий зарар етказиши, бу —ҳақиқат. Яшаб турган заминимиз, табиий бойликлар бизга қарзга берилган экан, унинг ўз эгаларига — келажак авлодга заха етказмай топшириш юзасидан ҳар доим қайғуриш керак бўлади. Агар баъзи мамлакатларда ишлатилган гугурт қутилари ёки лезвиягача аҳолидан сотиб олинишини мулоҳаза қилиб кўрсак, бу қандайдир бойиб кетиш учун йўлга қўйилмаганлигини, балки ўша ортиқча нарсалар тупроқ ёки сувга тушиб, уларни зарарлаши мумкинлигини ҳисобга олиниб қилинаёт-

6

ганини тушуниб етайлик. Бизда нима бўлаяпти? Сув ҳавзалари ахлатга тўлиб кетаяпти, ерга бел урсангиз, ё шишага, ё темирга қадалади. Шуларнинг олдини олиш учун ортиқча чиқитларни қабул қилувчи нуқталарни ҳар қадамда ташкил этиш керак эмасми? Аниқ гап эса ана шундай фаолият билан шуғулланаётганлар ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим. Улар нақд пул, тақчил моллар билан таъминланса, аҳолининг қизиқиши ортган бўларди. Энг яхши моддий рағбатлантириш сифатида иккиламчи хом ашёлар билан шуғулланувчи корхоналар баъзи солиқлардан озод қилиниши керак. Ҳолбуки, биз тилга олган «Шаропов» хусусий корхонаси экология ва ҳудудни тозалагани учун (!) даромадининг катта қисмини (60 минг сўмга яқин) солиқ сифатида тўлаган. Бундай корхоналар фаолиятини кенгайтиришга ёрдамлашиш мақсадида банклардан имтиёзли кредитлар беришни ташкил этиш яхши бўларди.

Шиша идишларнинг аҳоли қўлида тўпланиб қолганини ҳисобга олиб, уларни доналаб эмас, балки килограммлаб қабул қилинишини йўлга қўйиш фойдали бўларди. Мутахассисларнинг фикрича бундай идишларни эритиб, бошқа эҳтиёжларга ишлатиш имкони бор экан.

Тармоқда ишлашни истовчилар тобора камайиб бораётганини инобатга олиб, ходимларга қўшимча имтиёзлар бериш, уларнинг даромад солиғини 50 фоизга камайтириш юзасидан таклифлар бор. Баъзи мамлакатларда қувур тозаловчилар ёки фаррошлар энг эътиборли кишилар экани сир эмас.

«Экосан» халқаро жамғармаси ўтказган давра суҳбатида Германия, Япония, Россиядаги йирик компаниялар чиқиндиларни қайта ишлайдиган заводлар қуришда ҳамкорлик қилишга рози эканлиги тилга олинган. Эндиликда барча соҳада бўлганидек, энг илғор тажрибаларни жорий этмасдан кутилган натижага эришиб бўлмайди. «ДЭУ» (Корея), «Мотоков» (Чехия) сингари корхоналар билан алоқа ўрнатилгани дастлабки қадамлардир. Катта шаҳарларда замонавий технология-

7

*Муаммо, мулоҳаза, таклиф*

га асосланган заводлар бўлишини даврнинг ўзи талаб қилаяпти. Кўпинча чиқиндиларни ёқишдан ҳосил бўлган энергиядан фойдаланилади ёки улар компост ўрнида ишлатилади.

Пойтахтнинг санитария-тозалаш тизимини такомиллаштириш юзасидан махсус дастур лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унга Жаҳон ва Европа тикланиш банклари мутахассислари ҳам қатнашаётир. Уч йилга мўлжалланган лойиҳанинг амалга ошиши учун дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 55 млн. АҚШ доллари керак бўлади. Демак, бу тармоқдаги ишларни янги ўзанга солиб юборадиган катта тадбир бўлади. Заводлар қурилади, тўла жиҳозланган чиқиндихоналар барпо этилади, транспорт сотиб олинади. Булар эртанинг мўлжаллари, вақт эса айнан ҳозир зарур чоралар кўришни талаб этмоқда. Вилоятлардаги аҳвол ҳам худди шундай даражада.

... Бизнинг азалий турмуш тарзимизда оддий бир ҳол қарор топган. Эрталаб ҳаммадан аввал ҳовли тартибга келтирилган, хонадон соҳибалари атрофга сув сепиб, супуриб-сидириб чиннидек тоза қилиб қўйишган (супуриндилар аравада четроқдаги махсус жойга олиб бориб ташланган). Ана шундай саранжом-саришталик, озодалик билан янги кунга пешвоз чиқишган аждодларимиз. Бундай хонадонни эса эзгу ишлар, хайр-барака тарк этмаган, унинг дўстлари кўп бўлган. Зеро, қаерда покизалик бўлса, ўша жойда кўнгил яйрайди, қалбни гўзал туйғулар безайди, оила палак ёзиб, бахтли кунларга эришади. Айни пайтда яхши удумларимизга амал қилган ҳолда баъзи камчиликларни ҳамжиҳатликда бартараф этиб, турмуш тарзимиздаги жузъий нохушликлардан қутулишда ҳаммамиздан ялпи куч-ғайрат талаб қилинмоқда.

**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**журналист.**

8

